



FRANCE



FRANCE

“ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ” ТАРИҚАСИДАГА ЖАЗО ЧОРАСИ ҚҮЛЛАНИЛИШ ДОИРАСИ.

Романов Фархад Абдулхамитович

ROMANOV ADVOKAT XIZMETI

адвокатлик фирмаси адвокати

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7219930>

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар негизида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш каби масалалар бош мақсад сифатида мустаҳкамланган.

Барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Президентимиз айтганларидек, ушбу ислоҳотлар асосан миллий давлатчилигимиз, тизимини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ислоҳотларни ўз ичига қамраб олди деган эди.

Ушбу ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жазоларни либераллаштириш масалаларига оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунларда ўз аксини топиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларига 2015 йилдан бошлаб янги жазо тури “Озодликни чеклаш” тариқасидага жазо чораси киритилди.

Ҳақиқатида мазкур жазо чораси давлатимиз қонунчилигига янгилик сифатида киритилди.

Бундай жазо чораси хорижӣ давлатларда мавжуд бўлиб, хусусан Буюк Британия, Италия, Швеция, Швецария, Испания, Россия Федерацияси, Франция каби мамлакатларнинг қонунчилигига назарда тутилган бўлиб, моҳияти ва қўлланиш жиҳатидан ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Озодликни чеклаш — суд томонидан маҳқумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарқ этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқиши чеклашдан иборат.

Озодликни чеклаш жазоси жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига қўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларга олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳқумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан



бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Шунингдек, Жиноят кодексида белгиланганидек суд қўлланилаётган таъқиқнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, маҳкумнинг зиммасига қуийдаги қўшимча тъақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин:

- муайян жойларга бормаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказища иштирок этмаслик;
- муайян фаолият билан шуғулланмаслик;
- муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;
- транспорт воситасини бошқармаслик;
- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;
- муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;
- алоқа воситаларидан фойдаланмаслик;
- алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Шу билан бирга, суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий заарнинг ўринини қоплаш, ишга ёки ўқишига жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Қонунда белгиланганидек, агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий заарнинг ўринини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги назарда тутилади.

Қонунда маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклangan мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги, шунингдек жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги белгиланган.

Жиноят қонунида мазкур жазо тури тайинланмайдиган шахслар тоифаси келтирилган бўлиб улар ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахслардир.



FRANCE

MODELS AND METHODS IN MODERN SCIENCE

International scientific-online conference



FRANCE

Қонунда озодликни чеклаш тариқасидаги жазо вояга етмаган маҳкумларга нисбатан асосий жазо чораси сифатида олти ойдан икки йилгача муддатга тайинланиши белгиланди.

Мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати жиноят содир этган шахсга, иложи борича, жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашдан иборатлигини инобатга олиб, озодликни чеклаш жазоси жиноий жазо сифатида жамиятимизнинг ижтимоий ва сиёсий-хукуқий талабларига жавоб беради ҳамда одил судловни инсонпарварлик ғоялари асосида амалга оширишда ижобий натижа беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишинланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. –Ўзбекистон/, 2017. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 29 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2015 йил 6 августда маъқулланган. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2015 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ижроия кодекси 3-бўлим. 81-боб. 441-442-443 моддалар

